

# БАЙРОҚ ОҚЎР-ҒОҢЛИК ПАХТАКОРЛАРДА!



## УЧ КАПИТАН

Пахтаси айли-айли очилган чаноклардан бошқа юки йиқ-ға туларини, эгат оралми те-кис, бегона ёти таг-томлари билан куриб ташланган карталарни кўриб ким завқланмайди, дегиси. Хоҳ термичи бўлсин, хоҳ терим машинисини ҳайдоғчи бўлсин сер-восил карталарни кўриб, бир гайратига ўн гайрат кўриб иш-лайди, шу пайкалда «оқ ол-тин»ни кўчогимга, бункеримга эртароқ тўғазиб олаётган, деб ошқоқди.

Механизатор Гофур Исмоилов бошқарма бригаданинг ҳамма пахта майдони машина терими-га худди шундай жуذا бол.

Азамат механизатор бу йил бригадасида чигитчи экшидан тор-тиб ишловчи, чечаккасидача ма-шинада бажарди.

Йил бошидан оқ юз процент ҳосили машиналар ёрдами билан териб олишга бел болади. Карталар ҳам худди шунча мос-лаб ишланди. Лекин дефляциягача вақти келган, колхоз территория-сини шартли бу ишни саво-бда ўтказишга имкон бермасди. Тезликчи қарлаш, ундай му-ким қадар «йиқ» фойдаланиш, бегона дехқон илкони йиқ, деб қар-аб турмайди.

Гофур ушбу ОДН машинисини ўзлаи дора сепишга мослашди. Дефляцияни «бошоб» юборди. Гофурнинг ўзи, Эрашад Юсу-пов, Турғун Қўболов ва Са-мад Тошбоевлар 5-6 кундан бригаданинг барча майдонидеги ўзгаларга баргичи тўқибди бо-рини сепиб чиқиди.

Дефляцияни сифатли бажари-гани учун дафта ўтмақ ўзганич

Янгийўл. «XIX партёезд» колхозчи.

В. Салов фотоси.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

# ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ  
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ  
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

## РИДВАН ЧКИ 80 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

Шу кунларда Оққўрғондаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бўлганга кўтаринги руҳ билан фидокорона меҳнат қи-лаётган азамат пахтакорларни кў-расис. Уларнинг гайрат-шижоат-лари беҳад зўрлигидан совхоз ҳар кун йиллик планининг 5 проценти миқдорда «оқ олтин» тайёрла-юкда. Айниқса «элиғори кема» сувориларининг гайратларидан хурсанд бўласиз. 100 га яқин ма-шинанинг ҳар бири билан кунга ўртача 4 тоннадан пахта териял-ти.

Областимизда пахта теримининг бориси	Планига нисбатан		процент ҳисобида:		1-устун — бошқармалар, иккинчиси — кунли ўсим, учинчиси — мавсум бошидан, тўртин-чиси — машина теримининг бир кунлиги, бешинчиси — жами, ол-тинчиси — жон-қанориси ташши.
	кунли ўсим	мавсум бошидан	мавсум бошидан	тўртин-чиси	
Юқори Чирчиқ	2,64	31,02	2,26	6,63	33,23
Оққўрғон	3,23	28,18	4,59	27,60	36,32
Ўрта Чирчиқ	2,60	26,64	3,20	17,81	33,90
Янгийўл	1,92	20,23	1,62	3,74	26,39
Калинин	1,63	18,24	0,36	0,36	23,55
Бўка	1,56	16,44	1,46	5,69	21,51
Бекобод	1,43	13,59	1,51	4,95	17,36
Область бўйича	2,14	21,37	2,46	11,88	27,17

## СУРЪАТ ОШЯПТИ

Ўрта бўй, қорачадан келган аёл ҳаммадан олдинда борапти. Унинг меҳнатда чиққан элчи қўллари чаноклардаги дуп-лутин пахтакорларни тез қараб олапти, эгатларда илдан ҳар-кат қилиб бири кетидан иккин-чисини қўлдан чиқарапти.

Бу Ражаб Очиллов раҳбарлик қилаётган бригаданинг моҳир теримчиси Турсуной Шахромо-вадир. У кунда бригада хирмон-нига 170—180 килограммдан ошириб «оқ олтин» териб тўқ-ляпти. Бундай чевар теримчилар бригадани кўпайташди. Хўри Нимовалова, Насиб Мир-зааримова, Рикси Қўқоровна, Рикси Холмизова, Порси Юл-мираевалар ана шундай жамла-сандилар. Бу меҳнатсеварлар мавсум охиригача 10—13 тон-надан пахта териб беришга аҳд қилишган. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 1,5—2 тоннадан пахта-териб қўйишди.

И. НОРМАТОВ,  
Х. НОДИРОВ,  
С. ИҲЛДОШЕВ.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ  
ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

## ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети ишлаб чиқариш бошқармалари ва совхозларда пахта тайёрлаш юзасидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиш-тириш ва тайёрлаш область бошқармаси тақдим этган мате-риалларни кўриб чиқидилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқ ОҚҚҲРҒОН ИШ-ЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИГА БЕРИЛДИ (бошқарма бошлигининг ўринбосари СОИБНАЗАРОВ, партия комитети-нинг секретари ТОИРОВ, комсомол комитетининг секретари ИСЛОМОВ ўртоқлар). Бу бошқарма 21 сентябрғача пахта тайёрлаш йиллик планини 21,7 процент, шу жумладан маши-на терими планини 18,75 процент бажарган. Бошқармада ўн кунликда машина терими бўйича энг юксак кўрсаткичларга эришилган. Қизил байроқ Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бош-қармасидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқ Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси-даги «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИГА берилди (директори ИБРОХИМОВ, бош агроном БАКУЛИН, партия ташкилотининг секретари ИАК, ишчилар комитетининг раиси БУРХОНОВ ўртоқлар). Бу совхоз 21 сентябрғача йил-лик пахта тайёрлаш планини 29,19 процент бажарган ва ўн кунликда энг яхши кўрсаткичларни қўла киритган. Қизил бай-роқ Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасидан «Чанок» совхо-зидан олиб берилди.

ЮқОРИ ЧИРЧИҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ (бошқарма бошлиғи ҚОДИРОВ, партия комитетининг секретари ЛАДУШКИН, комсомол комитетининг секретари СУЛТО-НОВА ўртоқлар) пахта териш ва тоширишда ҳамда ЎРТА ЧИРЧИҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ (бошқарма бошлиғи ОРТИҚҲҲАЕВ, партия комитетининг секретари БЕРДИЕВ, комсомол комитетининг секретари ҲАСАНОВ ўр-тоқлар) машина теримини ташкил этишда яхши ишлаганликла-ри қайд қилиб ўтилди.

## ЗАВҚЛИ МЕҲНАТ

Кун билан чарақлаб турган кўёш заррин қонилларини йиғиш-тириб уфққа бон қўйганда терим-чилар хирмонга тўпланиб ош-лашди.

— Меники неча килограмм бў-липти?

— Меники-чи? — савол бўй-раб ошладилар улар қўлига бўйрат-тутган бригадирга.

— Бугун Назима Солихова 150, Малика Эрабоева 130, Махсума Ҳасимова 110 кило-грамм пахта терди. — деди бри-гадир Эраш ака рўйхатини ўқир-экан.

Дарҳақиқат Назима бугун ҳам илдан маншун қайтапти. Терим бошлангандан бери у пешқадим-ликни қўлдан бермайпти. Суръат-та суръат қўлига қўйишга унинг қамалтиратгани йўқ. Чунки у мавсумда 15 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган. «Ваъ-дани беришга бериб яна уялиб қолмайинди» дерди Назима.

Калинин ишлаб чиқариш бош-қармасидаги «Маданият» колхозин-инг пахта далаларида бўлганда, чаман-чаман «оқ олтин» дурдона-ларини қўли-қўлига темай териб олаётган сергайрат теримчиларини, киши қалбини тўқинлантирувчи хирмондаги уюм-уюм пахталарини кўриб завқингиз келад.

Ўртоқ Э. Раҳимжонон бошчи-лик қилаётган бригада коллек-тивининг 92 гектар пахта майдони-нинг ҳар гектаридан бу йил 40 центнердан ҳосил олиш учун му-раб олиб борапти. Пахтазорда терим аяқиди. Назима, Малика, Махсума сингари чевар қизлар эса бригаданинг кунлик планини 2—2,5 процентдан бажаришга умумий ҳисса қўшишмоқда.

И. МАНСУРОВ.

## ДАВРИМИЗНИНГ ИЛҒОР ИДЕЯЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Энг зарур сийёси ва профессионал проблемаларни муҳо-кама қилиш учун тўпланган беш қитъа—Европа, Африка, Америка, Осиё ва Австралия журналистларининг III Жаҳон учрашуви қатнашчиларини қизғин табирслайсан, Азиз дўст-лар, сизларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш ва ўз сафла-ринингизни жинсийини мустақамлаш йўлида самарали иш-олиб боришингизни тилаймиз.

Инсоният муҳим даврини бошидан кечирмоқда. Термоядро уруши хавфини баргарф қилиш йўлида дастлаб қадимлар қўйилган, атмосферада, космосда ва сун остида ядро қуроли символларини таққиллаш тўғрисида Москва шартномаси имзо-ланди. Инсоният оғилт нафас олди, халқлар халқаро вази-ятин тозаланди ва муҳим тадбирни табирланди. Шун-дай бўлса ҳам жаҳон ташвишсиз янамоқда, инзоли масала-ларнинг ҳаммаси ҳал этилди, деб айтиб бўлмайди. Инсо-ият янги жаҳон уруши гирдобига ташлаш фикридан қайтма-ган донралар жаҳонда ҳали бор бўлар аввало, агрессия им-периалистик донралардир. Жаҳон термоядро фалокатининг олдин олиш учун халқлар хушёр бўлишлари керак.

Ана шу чинакам буюк ишда журналистлар муҳим роль ўйнамоқлари керак. Сизларнинг қўлингизда дахшатли қуро-л—сўз қуроли бор, сизлар ана шу қурол билан тинчлик душ-манларига, «қутирган»ларга ва халқларнинг тақдирини таҳ-лика остида қолдиришга тайёр бўлган ҳар қандай авантю-ристларга зарба беришингиз мумкин.

Сизлар Африкада, Жаҳон ерида биринчи марта учраш-моқдасиз. Жаҳон халқи ўзининг озолини йўлидаги қаҳрамо-нона кураш билан бутун прогрессив инсониятнинг муҳабба-тини ва хайрхоҳлигини қозонди. Учрашуvingизнинг қатнаш-чилари орасида Африка, Осиё ва Латин Америкасининг муста-қил тараққий йўлига тушиб олган мамлакатларидан келган қўшгина журналистлар бор. Мен уларга ва улар орқали шу қитъаларнинг халқларига совет кишиларидан самийини салом-топириш билан хурсандман. Империалистларга ва муста-лакчиларга қарши, озолилик ва мустақиллик учун, мустама-лакчилик системасини батамом тугатиш учун, ривожланаётган ёш мамлакатларини чинакам сийёси ва иқтисодий мустақил-лиги учун кураш қозирги замонини энг муҳим ваифаларини Совет Иттифони энг мустақил давлатларга тамомла ҳайри-хоҳдир. Биз уларга мустамалакчилик зулмидан уяли-кесил халос бўлишда ҳамма воситалар билан ёрдам берамиз. Совет Иттифони халқларини янги ҳаёт йўлидаги ҳақиқий кура-шини тамомла қўллаб-қувватламоқда.

Матбуот, радио ва телевидение жамиятда маъсулйатни роль ўйнайди. Ҳаёт ҳақиқати, тинчлик ва озолик, барча мамлакатлардаги ва қитъалардаги халқлар ўртасида дўстлик, дек одиланок идеаллар, меҳнат аҳлининг манфаатлари, дав-римизнинг илгор идеяларига сўдақат билан хизмат қилиш ҳаминча прогрессив журналистларнинг байроғи бўлсин.

1963 йил 22 сентябрь.

Н. ХРУШЧЕВ.

# СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

III.

Хитой раҳбарлари ўз сийбатлари билан халқаро кескин-ликни кучайтиришга саваб бўлмақдалар жаҳонни термоядро урушига сурамоқдалар деб жаҳон афкор оmmas томонидан қўйилган айблардан ХХР раҳбарлари ўзларини оқлаган кейинги вақтларда жуذا кўп марта лаб мажбур бўлмақдалар. 1 сентябрдан баёнотда ҳам хитой раҳбарлари ўзларини, биз тинчлик ва тинч-тотув янаша сийбатига ҳеч қачон қарши чиқмаганимиз, балки аксинча, урушининг олдини олишга жуذا қизғин тарафдоримиз деб ибботлашга уринадилар.

Хитой раҳбарларининг бу гаплари ХКП раҳбарларининг уруш ва тинчлик масалаларидаги қарашларида ва уларнинг жаҳон миёсиданги сийбатига ҳақиқатда бурилиш рўй берган-лигини билдирганда эди, уларнинг бундай гапларини таби-риш мумкин бўлур эди. Бироқ ҳақиқатда биз шуни кў-риб турибманки, улар бундай бурлиш тўғрисида уйлаёт-ганлари ҳам йўқ, балки уруш ва тинчлик масалаларида халқлар хавфсизлигига жиндий оқибатлар туғдирадиган ўз-ларининг хато концепцияларини аввалгидек зўр бериб ҳи-мом қилмоқдалар. Уларнинг ҳозирги айтиётган гаплари бил-дан илгарй айтиган гаплари ўртасидаги фарқ фақат шундан иборатки, эндиликда улар ўзларининг ҳақиқий позицияларини тагин ҳам кўпроқ пардалашга, бу позицияни тинчликсе-варлик тўғрисидаги, тинчликни сақлаб қолишга интилиш тўғрисидаги сўзлар билан ниқоблашга интиломоқдалар.

Лекин баёнот авторлари ўзларини оқлаган ва ўз устла-рига қўйилган айбларни рад қилишга уриниб, тагин ҳам кўпроқ чалқашиб қолмоқдалар ҳамда уруш ва тинчлик проблемасига нисбатан хитой раҳбарларининг ҳақиқий муно-сабати хусусида янги шубҳаларни туғдирмоқдалар.

(Соши газетамизнинг 22 сентябрь сониди).

Дарҳақиқат улар нимани исботлашга уринмоқдалар? Мао Цзе-дуннинг бўлажак урушда инсониятнинг ҳаммаси эмас, балки ярмиси ҳалок бўлади, деб айтган гапларидан ҳамда «Хуниц» журналида эълон қилинган «Яшасин ленин-изм!» сарлавҳали маълум мақолада, термоядро урушидан сўнг инсоният олдига «гузал истиғболлар» очилди, деб айтилган гаплардан олинган цитаталар совет ҳужжатларида контекстан қўлиб олинган ҳолда фойдаланилаётган эмши ва нотўғри талиқин қилинаётган эмши.

Агар шундай бўлса, биз ҳар нилка цитатани ким бўлиб кўрсатаётганини ва нотўғри талиқин қилинаётганини мас-ласини кўриб чиқишга тайёрмиз ва биз қўлида бунга тўхта-либ ўтамиз.

Лекин уруш ва тинчлик масалаларида хитой раҳбарла-рининг позицияси хусусида жаҳон коммунистик ҳаракати-нинг ва прогрессив жамоатчилигининг жуذا ташвишли шуб-ҳаларини баёнот авторлари ўзларининг бу гаплари билан рад қилмай, балки яна бир марта тасдиқлаётганликларини, шу тариқа ўз интиларини яққол билдириб қўётганликларини наҳотки кўрмаётган бўлсалар? Хўш, улар нима демокри-лар? Аслини олганда, улар янги жаҳон уруши бўлган тақ-дирда инсониятнинг қандай қисми — 100 процетини бил-дирад ярмиси ҳалок бўлади» деган масала ҳусида табир-моқдалар. Баёнотда бундай дейилади. «Эртроқ Мао Цзе-дун-нинг 1957 йилда айтган ва юқориде айтирилган гаплари империализм ядро урушини бошлаб юборган тақдирда ин-соният ҳалок бўлади деб даъво қилаётган кишилар шайин-ча айтилган эди». «Биз—дейилади сўнгга баёнотда.— уларнинг мана шундай несемимистия ва умидсизликка ўлган қарашларига қўшима олмаймиз. Агар империализм ядро урушини бошлаб юборса, жуذا ёмон деганда бунинг нати-жасида ер юзидан аҳолининг ярмиси ҳалок бўлади, деб айтмоқдамиз». Сўнгга пирорариди бундай дейилади: «Биз инсониятнинг порлоқ келажакига аминимиз».

Бу жуذا дахшат гаплар-ку. Инсониятнинг ярмиси қир-

либ кетадиган бўлса, бундай ҳолда қандай «гузал келажак» тўғрисида тапирш мумкин! Хитой раҳбарларининг бошқа бир интилари ҳам гош хатарлидир, улар уруш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида ўзлари-нинг шу гапларини келажакнинг фикран тасаввур қилиш ниятидагина айтмасдан, балки муайин сийбатни асосламоқ учун айтмоқдалар.

Бун баёнот авторларининг ўзлари ҳам инкор қилмайди-лар. Улар термоядро уруши оловида одамларнинг қанчиси ҳалок бўлиши тўғрисидаги бахсини яққулаб, бундай деб эди-дилар: «Аслини олганда, масала шундан иборатки, Америка империализми ядро шунга қилин ва ядро таҳдидини қилиб турган шариғатда, инхот қандай сийбат ўтказмоқ керак — қаршилик қўришти керакми ёки таслим бўлиш керакми?» Э-ўндан равшандирки, совет раҳбарларидан ҳеч ким тас-лим бўлиш масаласини ҳеч қачон қўйган эмас ва қўйиши ҳам мумкин эмас. Совет Иттифони жуذا қанда ядро қу-ратини бунинг учун яратган йўқ ва бунинг учун такомил-лаштираётгани йўқ. Агар империалистик агрессорлар соци-ализм лагерига ҳужум қилсалар, уларга қаршилик зарба бе-рилади, бунга шак-шубҳа йўқ ва шак-шубҳа бўлиши ҳам мумкин эмас.

Масала бошқача тарзда турибди: тинчлик учун жиндий равишда ва бутун куч билан курашши керакми, турли соци-ал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув янаша принци-ларига ташқи сийбатини бош йўли деб амал қилаверини ке-ракми, ёки «қутурганлар»га эргашиб, халқаро кескинликни кучайтиришда империалистлар билан мусобақалашини керакми? Ана шу масалани ҳал қилишда хитой раҳбарлари уруш оловида инсониятнинг ярмиси ёки 100 процетни қи-рилиб кетди деб фикр юритмоқдалар. Хўш, инсониятнинг «фанат» ярми қирлиб кетадиган бўлса, урушга таванқал қилаверини мумкин экан-да, бу ҳолда инсониятнинг иккинчи ярминини «гузал келажак» кутар экан-да?

(Давоми иккинчи бетда)





